

## НОТАРИАЛ ҲАРАКАТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ БЎЙИЧА НИЗОЛАШИШНИ ЎЗИГА ҲОС ХУСУСИЯТЛАРИ

*Охунова Зилола Хасановна*

*Преподаватель юридического техникума Ферганской области*

**Аннотация.** Ушбу мақолада нотариал ҳаракатларни амалга ошириш бўйича низолаш асослари, судга мурожаат қилишнинг ўзига ҳос хусусиятлари, нотариал ҳаракатларни рад этиш тартиби ва муддатлари, нотариал ҳаракатларни амалга оширишда юзага келадиган муамолар ёритилган. Шунингдек, нотариал ҳаракатларни амалга оширишни рад этишнинг Россия Федерацияси қонунчилигида белгиланган тартиби таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** манфаатдор шахс, шикоят билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахс, нотариал ҳаракатни амалга оширувчи шахс, алоқадор тараф, меросхўр, мерос қолдирувчи, нотариал ҳаракатни рад этиш.

Ўзбекистон Республикаси МСИЮТК нинг 27 моддаси 4 моддасига кўра, нотариал ҳаракатни амалга ошириш рад этганлик ёки нотариуснинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишлар маъмурий судга тааллуқли деб белгиланган.

Маъмурий судга мурожаат қилиш ҳуқуқи жисмоний ва юридик шахсларга қуйидаги ҳолатларда амалга оширилади:

- Нотариал ҳаракатни амалга ошириш рад этилганида;
- Нотариуснинг ҳаракати бўйича;
- Нотариуснинг ҳаракатсизлиги бўйича.

Нотариал ҳаракатни амалга оширишни рад этиш бўйича маъмурий судга мурожаат қилиш ҳуқуқи фақат нотариал ҳаракатни амалга ошириш учун мурожаат қилган шахсга (юридик еки жисмоний шахсларга) тегишли.

Нотариал ҳаракатни амалга оширишни рад этиш бўйича мурожаат қилинганида шуни назарда тутиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси “Нотариат тўғрисида”ги қонуннинг 39-моддасига мувофиқ амалга оширилган нотариал ҳаракатни, нотариал ҳаракатни кечиктириш ёки нотариал ҳаракатни амалга оширишни рад этиш тўғрисидаги қарорни нотўғри деб ҳисоблаган манфаатдор шахс бу хусусда нотариал идора турган жойдаги судга шикоят қилишга ҳақлидир.

Лекин манфаатдор шахс тушунчаси қонунни ўзида берилмаган. Қонунда фақатгина нотариуснинг мажбуриятлари белгиланган:

18-моддасида (васият қилувчининг вафотидан кейин манфаатдор шахсларга васиятнома тўғрисидаги маълумотномаларни тақдим этади);

21-моддасида (Нотариус нотариал ҳаракатни амалга ошириш учун ўз иш жойидан бошқа жойга борганида манфаатдор жисмоний ёки юридик шахслар унинг ҳақиқатда қилинган транспорт харажатларининг ўрнини қоплайди);

31-модданинг 2-қисми (Нотариал ҳаракатларни амалга ошириш, башарти қонунга биноан манфаатдор шахслардан ушбу ҳаракатларни амалга оширишга эътироз бор-йўқлигини сўраш зарур бўлганда, кечиктирилиши мумкин);

31-модданинг 5-қисми (Бир манфаатдор шахс тасдиқлашни сўраётган ҳуқуқ ёки факт устида даъволашаётган бошқа манфаатдор шахсдан ариза тушганлиги тўғрисида суддан маълумот олинган тақдирда нотариал ҳаракатни амалга ошириш мазкур иш судда ҳал бўлгунига қадар тўхтатиб турилади);

702-моддаси (Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда манфаатдор шахсларнинг илтимосига биноан нотариус судда ёки маъмурий органда иш юзага келган тақдирда, агар тақдим этиш кейинчалик мумкин бўлмай қолади ёки қийин бўлади деб тахмин қилиш учун асослар мавжуд бўлса, далилларни таъминлайди.)

Ўзбекистон Республикаси нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Йўриқноманинг Ўзбекистон Республикаси «Нотариат тўғрисида»ги Қонунининг 23-моддасига мувофиқ нотариуслар қуйидаги нотариал ҳаракатларни амалга оширишлари белгиланган:

- битимларни тасдиқлайди;
- васиятномаларни тасдиқлайди;
- эр-хотиннинг умумий мол-мулкидаги улушга бўлган мулк ҳуқуқи тўғрисида гувоҳномалар беради;
- меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома беради;
- мерос мол-мулкининг қўриқланишига доир чора-тадбирлар кўради;
- медиатор вазифасини бажаради;
- ҳужжатлар нусхаларининг ва ҳужжатлардан олинган кўчирмаларнинг тўғрилигини шаҳодатлайди;
- ҳужжатларнинг бир тилдан бошқа тилга тўғри таржима қилинганлигини шаҳодатлайди;
- ҳужжатлардаги имзонинг ҳақиқийлигини шаҳодатлайди;
- кўчмас мулк очик савдода сотиб олинганлиги ҳақида гувоҳнома беради;
- фуқаронингтирикэканлиги фактини тасдиқлайди;
- фуқаронинг муайян жойда эканлиги фактини тасдиқлайди;
- юридик шахсининг раҳбар органи томонидан қарор қабул қилинганлиги фактини тасдиқлайди;
- далилларни таъминлайди;
- фуқаронинг фотосуратда акс эттирилган шахс эканлигини тасдиқлайди;
- ҳужжатлар тақдим этилган вақтни тасдиқлайди;

- муаллифлик ва турдош ҳуқуқ объекти тақдим этилган вақтни тасдиқлайди;
- электрон ҳужжатнинг қоғоз шаклидаги ҳужжат билан бир хил юридик кучга эга эканлигини тасдиқлайди;
- жисмоний ва юридик шахсларнинг аризалари ва (ёки) бошқа ҳужжатларини бошқа жисмоний ва юридик шахсларга топширади;
- пул суммалари ва қимматли қоғозларни депозитга қабул қилиб олади;
- ҳужжатларни сақлаш учун қабул қилиб олади;
- пул тўлаш учун чекларни тақдим этади ва чеклар бўйича пул тўланмаганлигини тасдиқлайди;
- ижрохатларини ёзади;
- векселларнинг протестларини амалга оширади;
- денгиз протестларини амалга оширади;
- нотариал тасдиқланган ҳужжатларнинг дубликатларини ҳамдареестрлардан кўчирмаларни беради.

Нотариуслар қонунлардан азардатутилган бошқа нотариал ҳаракатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси “Нотариат тўғрисида”ги Қонуннинг 38-моддасига мувофиқ, нотариал ҳаракатни амалга оширишни рад этиш асослари белгиланган.

Яъни, Қонунни ўзи нотариал ҳаракатни амалга оширишни рад этиш учун қонуний асосларни белгилаб қўйган ва нотариал ҳаракат айнан шу моддада белгиланган асослар бўйича рад этилган бўлса, нотариал ҳаракатни рад этишни ҳақиқий эмас деб еки қонунга хилоф деб топиб бўлмайди.

Нотариус қуйидаги ҳоллардан нотариал ҳаракатни амалга оширишни рад этади, агар:

- бундай ҳаракатни амалга ошириш қонунга зид бўлса; (ФК талабларига тўғри келмаса);
- бу ҳаракат бошқа нотариус томонидан амалга оширилиши керак бўлса; (мерос,)
- муомалага лаёқатсиз фуқаро ёхуд зарур ваколатлари бўлмаган вакил нотариал ҳаракатни амалга оширишни сўраб мурожаат қилган бўлса;
- юридик шахс номидан амалга ошириладиган битим унинг уставида ёки низомида кўрсатилган мақсадларга зид бўлса;
- битим қонун талабларига мувофиқ бўлмаса;
- нотариал ҳаракатни амалга ошириш учун тақдим этилаётган ҳужжатлар қонунчилик талабларига мувофиқ бўлмаса.

Нотариал ҳаракатни амалга ошириш рад этилган тақдирда нотариал ҳаракатни амалга оширишни рад этиш ҳақида нотариус мурожаат қилинган кундан бошлаб уч кундан кечиктирмасдан қарор чиқаради.

Нотариус нотариал ҳаракатни амалга ошириш тўғрисидаги мурожаати рад этилган шахснинг илтимосига биноан рад этиш сабабини ёзма равишда баён этиши ва рад этиш устидан шикоят қилиш тартибини тушунтириб бериши лозим.

Худди шундай ҳолат айрим ҳолларда нотариал ҳаракатни амалга оширишни рад этиш шакли тўғридан тўғри қонунчилик ҳужжатларида қайд этилган.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 18 ноябрдаги 726-сонли қарори 1-илоvasи Нотариуслар томонидан кўчмас мулкларни бошқа шахсга ўтказиш ҳақидаги битимларни тасдиқлашнинг Маъмурий регламентининг 14-бандига кўра, агар мазкур шахс суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган бўлса, нотариус нотариал ҳаракатни амалга оширишни рад этиш ҳақида қарор чиқаради. Нотариус ушбу қарордан норози томоннинг судга мурожаат қилиш ҳуқуқини тушунтириши лозим.

Лекин айрим ҳолларда қарор шаклида рад этилиши қонунчилик ҳужжатларида кўрсатилмаган.

Масалан, нотариуслар томонидан меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳномани беришни маъмурий регламентнинг 23-бандига кўра, агарда меросхўр томонидан муқаддам воз кечиш аризаси берилган бўлса Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 1147-моддасининг тўртинчи қисми талаблари тушунтирилган ҳолда рад этилади (воз кечиш аризасида меросхўр васиятнома бўйича ёки қонун бўйича ўзига тегишли бўлган меросдан воз кечаётганлиги аниқ кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно).

Нотариусни ҳаракатлари бўйича судга манфаатдор шахс шикоят билан мурожаат қилади.

Бундай шикоят билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар ҳақида сўз юритганимизда, алоҳида эътибор берадиган ҳолат бундай шикоят билан мурожаат қилувчи шахс ҳар дойим ҳам нотариал ҳаракатни амалга оширувчи шахс (жисмоний шахс ёки юридик шахсларнинг вакили) бўлмаслиги мумкин. Аксинча, нотариусни ҳаракатлари бўйича шикоят қилувчи шахслар нотариал ҳаракатни амалга оширишга мурожаат қилган шахснинг мурожаати қаноатлантириш натижасида ҳуқуқи бузилган шахслар мурожаат қилишга ҳақли.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси “Нотариат тўғрисида”ги Қонуннинг 70<sup>2</sup>-моддасига мувофиқ, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда манфаатдор шахсларнинг илтимосига биноан нотариус судда ёки маъмурий органда иш юзага келган тақдирда, агар тақдим этиш кейинчалик мумкин бўлмай қолади ёки қийин бўлади деб тахмин қилиш учун асослар мавжуд бўлса, далилларни таъминлайди.

Нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Йўриқномасининг 164<sup>6</sup>-бандига асосан нотариус далилларни таъминлаш учун маълум бир соҳа мутахассисларининг хулосаси зарур деб ҳисобласа, у ҳолда экспертиза тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилади.

Мазкур қарор нотариус томонидан бир иш кунидан кечиктирмай экспертизани амалга оширувчи тегишли ташкилот, корхона, муассаса ёки мансабдор шахсга юборилади.

Ушбу қарор устидан шикоят бериш тартиби қонунда белгиланмаган. Ўзбекистон республикаси МСЙўТКнинг 27-моддасига кўра нотариуснинг фақат нотариал ҳаракатни амалга оширишни рад этганлиги бўйича маъмурий судга мурожаат қилиш мумкинлиги белгиланган.

Бу ҳолатда нотариуснинг ҳатти-ҳаракатлари устидан шикоят нотариал ҳаракатни амалга ошириш учун мурожаат қилган шахс томонидан эмас, балки манфаатдор шахс томонидан берилади.

Бу ҳолатда манфаатдор шахсларни доираси Нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Йўриқномасининг 164<sup>2</sup>-банди асосида аниқланади.

Йўриқноманинг 164<sup>2</sup> бандига кўра, нотариус далилларни таъминлаш ҳақида аризани қабул қилганидан сўнг, мазкур масалага алоқадор барча тарафларни далилларни таъминлаш жойи ва вақти тўғрисида хабардор қилиши шарт. Мазкур масалага алоқадор тарафлар деганда, экспертиза тайинланган мулкка нисбатан барча мулкдорлар ( умумий биргаликдаги еки умумий улушли мулкка нисбатан), мулкка нисбатан манфаати бўлган шазслар ( мулкни эгаси вафот этган тақдирда унинг меросхўрлари).

Яна бир мисол, Йўриқноманинг 157-бандида нотариус, башарти у тегишли тилларни билса, бир тилдан бошқа тилга тўғри таржима қилинганлигини шаҳодатлайди деб белгиланган. Шу банднинг иккинчи қисмида агар нотариус тегишли тилларни билмаса, таржима таржимон томонидан қилиниши мумкин, нотариус унинг имзоси ҳақиқийлигини шаҳодатлайди деб кўрсатилган.

Лекин хорижий тилда тасдиқланган ишончнома ушбу ишончнома тузилган хорижий тилни билмаган нотариус томонидан шаҳодатланган бўлса, ушбу шаҳодатланган ишончнома асосида бажарилган ҳаракат қаратилган манфаатдор шахс нотариуснинг ҳатти-ҳаракатларига нисбатан шикоят бериши мумкин.

Масалан, иншочноманинг аслида ишончнома берган шахс номидан бажариладиган ҳаракатларига маъмурий органларга шикоят бериш вколати берилгани қайд этилган, лекин ишончнома таржима қилинганда маъмурий орган – маъмурий суд деб таржима қилинган ва шу шаҳодатланган ишончнома маъмурий судга маъмурий орган ва учинчи шахсга нисбатан ариза билан мурожаат қилишга асос бўлган.

Нотариуснинг ҳаракатсизлиги устидан нотариал ҳаракатни амалга ошириш учун мурожаат қилган шахс томонидан шикоят берилиши мумкин.

Бу ҳолатда шикоят асоси Ўзбекистон Республикаси “Нотариат тўғрисида” ги қонун, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 4 январда 3113-рақам билан рўйхатдан ўтказилган “Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириши тартиби тўғрисида”ги Йўриқнома, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 18 ноябрь кунги 726-сонли қарори билан тасдиқланган “Нотариуслар томонидан айрим нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисида” ги маъмурий регламентларда белгиланган нотариуснинг мажбуриятлари бажарилмаган еки лозим даражада ехуд белгиланган муддатларда бажарилмаган тақдирда мурожаат қилиш ҳуқуқини беради.

Масалан, нотариуслар томонидан кўчмас мулкларни бошқа шахсга ўтказиш ҳақидаги битимларни тасдиқлашнинг Маъмурий регламентнинг 5 бандига кўра мурожаат қилувчи битимни расмийлаштириш учун нотариал идорага ўзи келиб мурожаат қилади ёки нотариус хизматидан электрон тарзда фойдаланиш учун Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали ехуд «E-notarius.uz» ахборот портали орқали (кейинги ўринларда — электрон тармоқ) рўйхатдан ўтади.

Маъмурий регламентнинг 11-бандига кўра мурожаат қилувчи нотариал идорага бевосита ўзи келганда уни нотариус ёрдамчиси қабул қилади, нотариус ёрдамчиси мавжуд бўлмаганда котиб ёки нотариус стажёри, улар ҳам бўлмаганда нотариус қабул қилади ва унинг мақсадига аниқлик киритади деб белгиланган.

Бунда, нотариус ёрдамчиси (котиб ёки нотариус стажёри) мурожаат қилувчини нотариус қабулига электрон навбатга ёзиб қўяди ва бу ҳақда нотариусни хабардор қилади, бундан нотариус қабулига навбатга ёзилган мурожаат қилувчилар мавжуд бўлмаган ҳоллар мустасно.

Бироқ амалиётда нотариал ҳаракатни бериш учун фуқаро мурожаат қилганида, айрим сабабларга кўра ( фуқаро ёқмагани, фуқаро бошқа миллатли бўлса, у сўзлашган тилни билмагани ва х.к.) фуқарони қабул қилмаслик ехуд нотариус ёрдамчиси томониан қабул қилиниб, электрон навбатга ёзиб қўймаслик оқибатида фуқаро бир неча бор овора бўлиб келиб-кетганлиги, нотариус эса хар сафар нотариал ҳаракатни бажариш учун унинг навбати келмаганлиги важ қилиши ва нотариал ҳаракат бунинг оқибатида ўз вақтида **бажарилмаганлиги.**

Яна бир мисол, мерос мулкни қўриқланишига доир чора-тадбирлар кўриш нотариал ҳаракат ҳисобланади.

Йўриқноманинг 104-бандига асосан мерос мол-мулкни қўриқлашга доир ишларни амалга ошириш жараёнида нотариус ушбу мол-мулкни қўриқланишини таъминловчи қўйидаги чора-тадбирларни кўради:

мерос очилган жойини аниқлайди;

яшаш жойи маълум бўлган меросхўрларни мерос очилганлиги ҳақида хабардор қилади;

ўлим фактини тасдиқлаш учун ўлим ҳақидаги гувоҳномани ёки ўлим ҳақидаги далолатнома ёзувидан кўчирмани талаб қилади, гувоҳноманинг нусхаси мерос ишида қолдирилади;

мерос мол-мулкни қўриқлашга дастлабки чора-тадбирлар кўрилган ёки кўрилмаганлигини, агар кўрилган бўлса, унда бу чора-тадбир ким томонидан кўрилганлигини, мерос қолдирувчининг мол-мулки турган хона (хоналар) муҳрланганлигини, бу хонанинг (хоналарнинг) калити кимдалигини аниқлайди;

мерос бўлиб қолган мол-мулкни рўйхатга олиш тўғрисида меросхўрлар ёки бошқа манфаатдор шахсларни хабардор қилади.

Нотариус ушбу бандида белгиланган вазифасига мерос мулкни рўйхатдан ўтказиш юклатилмаган.

Бироқ, Йўриқноманинг 105-бандида мерос қолдирувчи билан биргаликда яшаб келаётган меросхўрлар ёки бошқа шахслар ўз хоҳишлари билан рўйхатга олиш учун мол-мулкни тақдим этган тақдирдагина нотариус ушбу мол-мулкни рўйхатга олади деб кўрсатилган.

Мерос қолдирувчи билан биргаликда яшаб келаётган меросхўрлар ўз хоҳишлари билан рўйхатга олиш учун мол-мулкни тақдим этган бўлсада, нотариус ушбу мол-мулкни рўйхатга олмаганлиги ҳам меросхўрлар еки улардан биттаси томонидан нотариуснинг ҳаракатсизлиги устидан шикоят қилишга асос бўлади.

Россия Федерациясида маъмурий судлар ташкил қилинмагани сабабли, нотариусни ҳаракати (ҳаракатсизлиги) ва нотариал ҳаракатни амалга оширишни рад этиш даъво тартибида фуқаролик судлар томонидан кўрилади.

РФ ФПКнинг 310-моддасига мувофиқ, нотариал ҳаракатни амалга оширишни рад этиш еки нотариуснинг ҳаракатини нотўғри амалга оширилган деб ҳисоблаган манфаатдор шахс нотариус жойлашган жойидаги еки нотариал ҳаракатни амалга ошириш ваколатига эга бўлган мансабдор шахсни жойлашган жойидаги( по месту нахождения) судга мурожаат қилишга ҳақли деб белгиланган.

РФ ФПКда “Ариза аризачига нотариал ҳаракат амалга оширилгани еки нотариал ҳаракатни амалга ошириш рад этилганлиги маълум бўлган кундан 10 кун муддат ичида берилади”. Шу билан бирга амалга оширилган нотариал

харакат асосида вужудга келган манфаатдор шахслар ўртасидаги ҳуқуқ тўғрисидаги низо даъво тартибида кўрилади деб кўрсатилган.

Нотариал ҳаракатлар устидан шикоят бериш ҳуқуқи Россия Федерациясининг “Нотариат тўғрисидаги қонунчилик асослари” нинг 49-моддасига қайд этилган.

Аризаларни кўриб чиқиш РФ ФПКнинг 311-моддасида белгиланган бўлиб, ариза аризачи ва нотариус еки нотариал ҳаракатни амалга оширган еки амалга оширишни рад этган мансабдор шахснинг иштирокида кўриб чиқилади. Бироқ бу шахсларни келмаслиги аризани кўриб чиқишга тўсқинлик қилмайди.

Ариза қаноатлантирилган тақдирда суднинг ҳал қилув қарори билан амалга оширилган нотариал ҳаракат бекор қилинади еки нотариал ҳаракат амалга ошириш мажбурияти юкланади.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Нотариат тўғрисида” ги қонуни.
2. Нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисида Йўриқнома. <https://lex.uz/docs/4138215>
3. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс. <https://lex.uz/docs/3527353>
4. Нотариуслар томонидан кўчмас мулкларни бошқа шахсга ўтказиш ҳақидаги битимларни тасдиқлашнинг маъмурий регламенти. <https://lex.uz/docs/5109530#5111187>
5. Нотариуслар томонидан автотранспорт воситаларини бошқа шахсга ўтказиш ҳақидаги битимларни тасдиқлашнинг маъмурий регламенти. <https://lex.uz/docs/5109530#5111807>
6. Нотариуслар томонидан мол-мулкни гаровга (ипотекага) қўйиш тўғрисидаги шартномаларни тасдиқлашнинг маъмурий регламенти. <https://lex.uz/docs/5109530#5111807>
7. Нотариуслар томонидан ишончномаларни тасдиқлашнинг маъмурий регламенти <https://lex.uz/docs/5109530#5111807>
8. Нотариуслар томонидан меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳномани беришнинг маъмурий регламенти. <https://lex.uz/docs/5109530#5111807>
9. Постановление нотариуса об отказе в совершении нотариального действия как конституционная гарантия получения квалифицированной правовой помощи. 2015-Насиров Вугар Ворошил Оглы. - <https://cyberleninka.ru/article/n/postanovlenie-notarius-a-ob-otkaze-v-sovershenii-notarialnogo-deystviya-kak-konstitutsionnaya-garantiya-polucheniya/viewer>
10. Шодманова, М. Ф. Ўзбекистон Республикасида нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби/ М. Ф. Шодманова. // Молодой ученый. — 2021. — № 39 (381). — 152-154 б. — URL: <https://moluch.ru/archive/381/84132/>
11. Гражданский процессуальный кодекс Российской Федерации от 14.11.2002 N 138-ФЗ (ред. от 24.06.2023, с изм. от 20.07.2023) [https://www.consultant.ru/document/cons\\_doc\\_LAW\\_39570/](https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_39570/)